
Қува тумани Халқ таълими бўлими томонидан Наврўз байрам тадбири кўтаринки руҳда нишонланди.

Бугун туманиминимизнинг қай бир кўчасига, таълим муассасасига, корхона ва ташкилотларга ташриф буюрсангиз “Наврўз” умумхалқ байрами кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Қува тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактаблари ҳам бугун байрам тадбирларини катта нишонламоқдалар.

Туманимиздаги “Ўзбегим” тўйхонасида ўтказилган байрам тадбири ҳам ўзгача кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига ташриф буюрган туман ҳокими Халимжон Умаров ҳамда сектор раҳбарлари йиғилганларни ва туманимизнинг таълим соҳасида ўзларининг бор куч ғайратларини аямасдан меҳнат қилиб келаётган фидоий устозларни байрам билан табриклади.

Байрам тадбири муносабати билан соҳада самарали меҳнат қилиб келаётган жонқуяр устозлар, юқори натижаларга эришган мактаб жамоалари, иқтидорли ўқитувчи ва ўқувчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Хусусан, МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган халқаро тадқиқотчи кўрик-танловида ғолиб деб топилган 13-умимий таълим мактаби она-тили ва адабиёти фани ўқитувчиси С.Жабборова кўрак нишони ва фахрий ёрлиқ билан, “Энг яхши хорижий тил ўқитиладиган мактаб” кўрик-танловларида фахрли ўринларини олган 62-ИДУМИ, 5 ва 14-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчиларига пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, туман марказидан чекка ҳудудда жойлашган умумтаълим мактабларига телевизорлар тақдим этилди.

2022-03-17 22:29:47